

ИЖОД ЛАБОРАТОРИЯСИДА ТУРКУМ ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ

Нафиса КАРИМОВА

ўқитувчи

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ижод лабораторияси унсурлари ҳақида сўз боради. Ижодкорда дунёқарашнинг шаклланиши, такомил ва дунёқарашни кенгайтирувчи омиллар, шунингдек, таълимнинг ижод жараёни оид жиҳатлари муҳокама қилинган. Ижтимоий ғояни бадиийлаштириш ва мавзу танлаш масаласи тадқиқ этилган. Айрим ўринларда, жаҳон ва ўзбек адабларининг ижодий тажрибалари қиёсий аспектда ўрганилган.

Таянч сўзлар: ижод лабораторияси, дунёқараш, таълим, бадиий ғоя, мавзу, жанр.

АНАЛИЗ КАТЕГОРИАЛЬНЫХ ПОНЯТИЙ В ТВОРЧЕСКОЙ ЛАБОРАТОРИИ

Нафиса КАРИМОВА

Преподаватель

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматриваются элементы творческой лаборатории. Исследуются формирование и развитие мировоззрения писателя, факторы, расширяющие это мировоззрение, а также аспекты образования, связанные с творческим процессом. Изучается вопрос художественного воплощения социальных идей и выбора тем. В некоторых случаях творческий опыт мировых и узбекских писателей анализируется в сравнительном аспекте.

Ключевые слова: творческая лаборатория, мировоззрение, образование, художественная идея, тема, жанр.

Ижодкор лабораториясининг о‘рганилиши, у ҳақидаги муҳокамалар ва мазкур мавзунинг атрофлича ҳулосаланиши бадиий ижод ҳақидаги асосий яқдил фикрни вужудга келтиради. Ижод лабораториясидаги ғоявий-бадиий унсурлар сирасига биринчи навбатда дунёқараш тушунчасини киритиш

ўринлидир. Бундан ташқари, мавзу ва ғоя, таълимий жараёнларнинг ижод жараёнига даҳли лабораториянинг навбатдаги унсурларидан деб қаралади. Дунёқарашнинг таснифланишини ўрганиш бевосита унинг шаклланиш усуллари келтириб чиқаради. Бу ўринда, ёш ижодкорлар учун муҳим амалий вазифалар ҳам белгилаб берилади. Дунёқараш – ижодий кайфиятни бошқарувчи кучдир. Ижодкорлардаги дунёқараш, аввало, барча инсонлардаги каби оилавий муҳит таъсирида шаклланади. Ижодкор дунёқарашни реал воқеликдаги ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини табиий ёки нотабиий, деб қабул қилган ҳолда шаклланади.

Дунёқараш тушунчаси ижодий ҳайрат, таъсирланиш, муаллифнинг ёши ва ижодий-ижтимоий фаолиятига қараб ўз мазмунини ўзгартириб бораверади. Ижодкорда ҳис-ҳаяжонга берилиш, ички кечинмаларнинг кечишини ҳам икки йўсинда тушунтириш мумкин. Биринчиси, бутун жамият, инсоният табиий, деб қабул қилган ҳодисаларнинг акси, зидди юз берганда, ижодкор ҳам ҳамма қатори ташвишга тушади, ҳаяжонланади, қайғуради ё хурсанд бўлади. Бироқ ижодкорнинг истеъдоди шундаки, ўз ички кечинмаларини кучли эмоция таъсирида ёзиб қолдиради. Ўз ҳайратларини бадиий сўз ва образ орқали ифода этади. Ижодкорнинг биринчи ҳолатда, ҳис-ҳаяжони ўзгаларники каби содир бўлади. Бироқ кечинманинг шунчаки ўтиб кетмаслиги хусусий маъно ифодалайди.

Ёзувчи Шухрат “Шинелли йиллар” романини уруш таассуротлари асосида ёзди. Ижодкор уруш йиллари ҳарбий фронтда жангчи сифатида иштирок этган эди. Уруш жамиятнинг анъанавий ҳаётига мос бўлмаган, турмушини тубдан ўзгартирувчи ғавқулодда бир тарихий жараён, синовли давр эди. Жанг ҳодисаси бутун халқда чинакам нафрат туйғусини уйғотди, кишиларнинг сабр-бардошини синовдан ўтказди. Ёзувчи ҳам ҳамма ҳис қилган фожеаларни туйган, албатта. Лекин ижодкор киши бу таассуротларни бадиий сюжетга тўлақонли сингдириб, урушни кўрмаган китобхонга унинг шиддати, ортидан келадиған талофат, руҳий босим, оғир меҳнат, тинчлик

учун олиб борилган кураш ҳақида асар кульминациялари орқали атрофлича таассурот бера олган.

Ёзувчининг дунёқарашидаги тасаввурлари ижодий жараён орқали китобхон таассуротига айланади. Ўзи ҳис қилган, гувоҳ бўлган жараённи ўқувчига ҳам ҳис қилдира олади. Ёзувчи янги таассурот, янги тафаккур шаклини топа олгани учун ҳам ижодкор мақомидадир. Ҳар қандай ижодий ҳиссиёт қоғозга тўкилади. Ижодкорнинг онги ҳайратни ҳам, нафратни ҳам ҳазм қилавермайди.

Иккинчи ҳолатда эса, ижодкорнинг фақат ўзигина таъсирланади. Ижодкор руҳиятидаги таъсирланиш бу гал умумийлик ва хусусийлик категориясига асосланади, деб қараш ҳам мумкин. Адиблар ўзгалар ҳис қилмай қолган ёки сезиб сезмаганга олган вазиятларга нозик нигоҳ билан қарайдилар. Борлиқда кечаётган реал воқеаларга лоқайд муносабат билдириш ижодкорга хос хусусият эмас. Аксарият ҳолларда, табиат ҳодисаларининг бадиий қиёсларига, метафораларига муайян бир ижтимоий вазият сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Абдулла Орипов баҳор келиши кутилаётган кунлар ҳақида “Бинафша” номли шеърни ёзган. Мана шу шеърни юқоридаги таҳлил учун хулоса сифатида кўрсатишимиз мумкин. Шоир Дўрмонни жонлантириб, ухларди дейди. Йил фаслларининг алмашинуви кечикиши мумкин, бироқ вақт ўтиб, ўз зайлида иккинчи бир фаслни бошлаб келади. Баҳорнинг кечикишига қарамай, бойчечакнинг униб чиққани, умуман олганда, бойчечак детали шоирнинг таъсирланишига, ижод қилишига сабаб бўлган. Баҳорнинг кечикканини ҳамма англаб турибди, гувоҳ бўляпти. Бироқ бундай жараёнларга ижодкорлар шунчаки гувоҳ бўлмайдилар. Ўз гувоҳликларини бадиий деталь воситасида ижод қилиш билан кўрсатадилар.

Дунёқарашни шакллантирувчи омиллар: ижодкор миллатига хос менталитети, у улғайган муҳит, мутолаа, таълим, ижодий муҳит ва саёҳатлар. Бадиий матндаги воқеаларда ҳаётийлик, реаллик ва мантиқийлик ёзувчининг билимини кўрсатади. Абдулла Қаҳҳор «Ёшлар билан суҳбат» китобида ўзи

кўрмаган, гувоҳ бўлмаган вазиятларни тасвирлашга уринган, ҳаётийликни йўқотиб қўйган ёш қаламкашларни танқид қилган эди. Мутолаанинг дунёқарашга таъсири деганда, бу ўринда, информацион адабиётлар, шунингдек, адабиётдан бошқа фан соҳаларига эҳтиёж назарда тутилмоқда. Ижодий ҳолатлар дунёқараш шаклланишининг амалий жиҳатларини таъминлайди. Дунёқараш шаклланишининг назарий асослари эса бевосита таълимга ҳам боғлиқ жараёндир. Бунда ёзувчининг билими муҳим. Таълимнинг ижодга таъсири дунёқараш шаклланишининг яна бир кўринишини ташкил этади. Тан олиш керакки, қайси фан ўқитувчиси ўз дарсини алоҳида маҳорат билан ўтса, ўқувчиларнинг кўпчилиги ўша фанга кизиқарли машғулот тури сифатида қарайдилар. Бу билан ўқитувчилар адабиёт туфайли ўз ўқувчилари юрагидан жой олади ва сўз санъатига катта кизиқиш уйғотадилар, ўз соҳаси бўйича ўқувчига етарли билимни етказиб беришга муваффақ бўладилар, дейиш мумкин. Жумладан, ўқитувчи берган кўрсатма бўйича шеърни тушуниб ёд олиш, таъсирланиш, таҳлил қилиш орқали табиатида шоирлик қобилияти бор бўлган болаларда адабиётга ҳавас изидан шоирлик лаёқати уйғунлашиши мумкин. “Мактабда ўқиб юрган кезларимизда Холмуҳаммад Қулнийёзов ва Зикир Умаров деган домлаларимиз бўларди. Менга адабиётдан дастлабки сабоқни ана шу кишилар беришган. Жуда фидойи одамлар эди улар” [9;168], деб ёзади ёзувчи Шукур Холмирзаев ўз хотираларида. Ёзувчи Тохир Малик эса адабиётдаги устозни икки турга ажратиб тушунтиради: “Ёзувчи аҳлининг ижоддаги биринчи устози икки тоифада бўлади, яъни билвосита ва бевосита. Бўлажак ёзувчи болалик чоғида қайси китобни ўқиб-ўрганган бўлса, у учун китоб муаллифи устоз саналади. Яъни ёши улугъ ёзувчи китоб воситасида болага устозлик қилади. Менинг шундай устозим Қуддус Муҳаммадий эдилар... Тоғам Мирзакалон Исмоилийга ҳавасга ёзган ҳикояларимни ўқиб бергунимга қадар мактабда адабиёт ўқитувчимиз Мурод ака Шарафиддинов, ижод уйида эса Қуддус ака устозлик қилдилар” [4;98]. Назаримизда, Тохир Маликнинг устоз ҳақидаги мулоҳазалари таълим ва ижод масаласига тўла-тўқис жавоб бўлади. Ижодий

дунёқарашнинг тиниқ шаклланиши учун, аввало, ўқувчи кўлидаги адабиёт дарслигига меҳр қўйиши керак. Адабий муҳит дунёқарашнинг амалий аҳамиятига таъсир кўрсатади. Саёҳат масаласига тўхталадиган бўлсак, ижодкорларнинг саёҳатлари қисқа ва узоқ муддатли бўлади. Саёҳатлар учун алоҳида кундалик ёки йўл дафтарлари тутилади. Сайоҳатномалар ёзилиши ҳам мумкин. Шунингдек, ихтиёрий ва узоқ муддатли саёҳатлар ижодий режа сабабли амалга оширилиши кузатилади. Саёҳатдаги янги одамлар, ҳаётнинг янги манзаралари, жаҳон адабиёти билан танишиш, тарихий воқеаларга гувоҳлик, баъзан сафарлардаги хатарлар барча-барчаси ижодкордаги дунёқарашнинг кенгайишига хизмат қилади. Эрнест Хемингуэй ўлимни ўрганиш, ўлим олди туйғуларини англаш учун Мадрид урушига боради. Ёзувчи оёғидан ажралишига сал қолади [6;97]. Самолётларда ҳалокатга учрайди. Мана шу тажрибалардан ёзувчи кейинчалик ўз асарларида моҳирлик билан фойдаланади. Ўлимни англашда дунёқараш қаричи етмагани учун у ўз ҳаётини хавфли саёҳатга бағишлайди. Саёҳатлар ижодий кемтикликларни тўлдирди.

Ғоянинг пайдо бўлиши ва ўз моҳиятини намоён этиши ҳар кимда ҳар хил кечади. Бу ҳақда адиблар о‘з мулоҳазаларига эгалар. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад: “Кўнгилнинг аллақайёрида йилт этиб туғилган ғоя учқуни баъзан шиддат билан, баъзан эса ойлар-йиллар мобайнида пишиб етила боради” [1], деган эди. Рус адабиётшуноси Константин Паустовский ғоянинг пайдо бўлиши ҳақида қуйидагича мулоҳаза юритади: “Ғоя ҳам фикрлар, ҳиссиётлар ва хотиралар билан бойиган инсон онгида чакмоқдай пайдо бўлади. Буларнинг бари аста-секин йиғилиб боради ва пайти келиб бўшашни тақозо этади. Сиқилган ва ҳали пала-партиш бу олам чакмоқни – ғояни дунёга келтиради” [7;122]. К.Паустовский фикрлар, ҳиссиётлар, хотиралар пайти келиб бўшашни тақозо этиши деганда, бевосита ижод жараёни бошланишини назарда тутгани шубҳасиздир. У ғоя туғилишининг биринчи йўсини, яъни кутилмаганда рўй бериши ҳақида кўпроқ гапирди. Ҳиссиётлар таъсирчан кишиларни кўп безовта қилади. Ташқи ва ички оламдаги сийратдан кўп

хайратланиш, хаёлнинг таассуротларга мойиллиги, ҳар қандай лаҳзадан хотира қолиши, хотиралар ва таассуротлар билан яшаш санъаткор ғоясига хосдир. Бир сўз билан айтганда, ғоянинг ижодий эҳтиёж натижасида вужудга келиши иккинчи бир ижодий кучдир.

Адабиётшуносликда ғоя тушунчаси ижодкор лабораторияси билан уйғун ўрганилиши, тавсифланиши ҳам адабиёт, ҳам ижтимоий ҳаёт учун фойдали бўлади. Чунки бундай ёндашувда бунёдкор ғоялар қамровини кенгайтириш ва амалга оширишда ижобийлик вазифаларининг самараси ортиб боради.

Хўш, ижтимоий ғояни бадиийлаштириш нима учун зарур, деган савол туғилиши мумкин. Бу масала ёзувчи ва жамият, адабиёт ва давр муносабатларига тегишлидир. Ҳар қандай замоннинг ўз кечинмаси, тарихга айланажак бугуни, синовли ёки омадли кунлари бўлади. Синов бир одамнинг эмас, бутун бошли халқ бошига келган бўлиши мумкин. Масалан, тождор вирус тарқалиши билан боғлиқ жараён бутун бошли инсоният бошига келган ижтимоий-тарихий синов эди. Агар бу хусусда бадиий асар ёзилса, ёзувчи фақат бир кишини эмас, бутун бир халқни тасвирлаши лозим. Бу касаллик ҳақида Рисолат Ҳайдарова «Карантин», Ҳабиб Абдиназар “Аравакаш” номли қиссалар ёзиб, бу даврдаги инсонларнинг соғлиқ ташвиши, шунингдек, вирус барчани бирдай хавотирга туширганини ифодалашди. Бундай ўринларда, ёзувчи жамиятдаги муаммони ўзи синчковлик билан топмаган, балки эл қатори ҳис қилиб тургани учун асар мавзуси ва ғояси тайёр ҳисобланади. Ер юзидаги табиий офатлар, иқтисодий инқирозлар, ўзимиздаги Орол денгизи муаммоси кабилар барча фан соҳалари учун ечими изланаётган муаммо ҳисобланса, яқинда пайдо бўлган сунъий интеллектнинг ҳаётимизга аралашуви инсониятга енгиллик мақсадида ўйлаб топилган ижтимоий ғоя натижасидир. Ижтимоий ғоя хоҳ муаммо шаклида бўлсин, хоҳ янги усул йўсинида, бундан қатъий назар, ёзувчи уларга нисбатан инсониятнинг муносабатини, жамиятнинг тайёргарлигини бадиийлаштириб, кишиларнинг янгилаанишларга, кашфиётларга бўлган кайфиятини ифодалаш орқали янги

давр адабиётига ҳисса қўшиши мумкин. Бугунги кун кишиларининг муваффақиятли, ибратли, таъсирли, қувончли, синовли ҳаёт тарзлари, ҳар замоннинг ўз нафаси ва кайфиятини ифодалаш зарурияти ҳар қандай ижтимоий ғояни бадиийлаштиради.

Умуминсоний ғояларни шахсий-ижодий мақсади билан ифодаллагани учун ғоя тушунчаси лаборатория категориясининг ҳам таркибий қисмига айлана олади. Мавзу тушунчаси тўғрисида ҳам худди шундай хулосаларни бериш мумкин. Мавзу шакл элементи сифатида машҳур. Умумий томондан олиб қаралганда шундай. Мавзуларнинг танланиши, жамиятдаги муаммоларнинг мавзулаштирилиши маълум бир ёзувчининг ақлий меҳнати эвазига амалга ошишини ҳисобга олиб, мавзуни ҳам ижодкор лабораториясининг таркибий унсури, деб хулосалаш ўринлидир. Мавзу танлаш ижодий таъсирланиш натижасида рўй бериши ҳам мумкин. Ёзувчилар бадиий асарга турли йўсинда мавзулар танлайдилар. Ички бир сезим ижодкорни қўлига қалам олишга ундайди. Шу исмсиз сезим ортидан ёзиладиган асарнинг мавзуси, ғояси, образлар тизими майдонга келади. Тахминан шундай тасаввур қилинадиган ижод жараёни, мавзу танланиши ва мавзу устида ишланиши – аслида бундан кўра, мураккаб бир масала ҳисобланади. Чин истеъдод эгалари ўзлари ёзаётган асарининг мавзусини гоҳида аниқ кўрсатади. Хусусан, тарихий мавзуда ёзилаётган асарларда бу кўзга яққол ташланади. Абдулла Қодирий ҳар икки романи бошланишида «роман мавзуси» ўзбеклар тарихига тегишли эканидан баҳс юритади [10].

Бадиий асар мавзуси уни ўқиб тугатгандан кейин маълум бўлади. Гоҳида асар мавзуси унинг сарлавҳаси (номи)да тажассум топган бўлади. «Навоий», «Мирзо Улуғбек», «Бобур» каби сарлавҳалар – бу асарларда нима тўғрисида баҳс юритилишини аён этади. Шу билан бирга, катта китобларнинг аннотациясидан ҳам мавзуни қайсидир маънода аниқлаб олиш мумкин. Бироқ бу унсурлар ижод лабораторияси нуқтайи назаридан мавзу тушунчасининг барча қирраларини очиб бера олмайди. Мавзуни ижод аҳли кўпинча ижтимоий ҳаётдан, тарихий муҳитдан олади. Ўқиган китоблари, таъсирланиш,

дунёқараш позициялари ёки ижодкорнинг ҳамсухбатлари ҳам бадиий асар учун мавзу бериши мумкин.

Адабиёт назарияси фанида бадиий ғоя алоҳида масала сифатида қанчалик аҳамиятли саналса, ижтимоий, баъзан тарихий ғояларни бадиийлаштириш ҳам шунчалик муҳимдир. Инсониятнинг азалдан ёки яқиндан турмуш ҳаётини яхшилашга интилувчи, халқ манфаати учун хизмат қилувчи, нафақат яшаш турмуш тарзи, балки кишиларнинг фикрларини, маънавий дунёсини ҳам яхшилашга, умид ва ишонч беришга қаратилган ижтимоий ғоялар, ёзувчилар томонидан бадиийлаштирилади. Баъзида глобал муаммолар ҳам. Асосан, ҳикоя ёки эссе жанрларида, баъзан эса бадиий-публицистик мақолаларда бу яққол кўринади.

Дунёқараш ҳақидаги баҳслар турли йўсиндаги ижтимоий, фалсафий, илмий хулосаларга сабаб бўлгани сингари, таълимий дунёқараш ва ижодкорнинг жиддий таълими ҳақидаги мулоҳазалар ҳам умумий ва хусусий ёналишлари билан аҳамиятлидир. Дунёқараш, мавзу, ғоя, ижод ва таълимнинг аралашуви кабиларнинг чуқур таҳлили ва тадқиқи натижасида айтиладиган хулосавий тоҳтамдаги фикрлар адабиётшунослар, ижод аҳли ҳамда ижодий таълимдаги устозлар учун ҳам муҳим ва аҳамиятли саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дўстмуҳаммад Х. Ижодкор – кайфият олам // «Китоб дунёси» газетаси, 2017, 26 апрель сони.
2. Карим Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2016. – 361 б.
3. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 12-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 322 б.
4. Отабек Ш. Адабиёт қисматдир. – Тошкент: Шарқ НМИУ, 2014. – 324 б.
5. Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 221 б.
6. Парандовский Я. Сўз кимёси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – 462 б.

7. Паустовский К. Олтин гул. – Тошкент: Гафур Ғулом НМИУ, 1967. – 211 б.
8. Сент Бёв Ш. Литературные портреты. – Москва: Художественная литература, 1970. – 590 с.
9. Тошбоев О. Абадий замондош. – Тошкент: Гафур Ғулом НМИУ, 2018.
10. Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Гафур Ғулом, 1994.